



Бу сонга:

БАНКЛАРДА ТРАНСФОРМАЦИЯ

— Бугун иқтисодиётда ўзгаришлар шу қадар кўпки, айрим ҳолларда уларни тушуниб етиш қийин. Шу маънода трансформация ҳақида барча бирдек билади, деб айтиш қийин.

2-бет

“ДАВЛАТ ҚОНУНЛАР АСОСИДА ҚУРИЛМАС ЭКАН...”

Конституция тинч, тўқин ҳаёт ва мамлакат тараққиётини белгилайдиган муҳим ҳужжат бўлиб, жамиятда муносиб турмуш кечиришнинг ҳуқуқий нормаларини акс эттиради.

3-бет

БИРИ БИРИГА УСТОЗ

Чироқчи ва Китоб банк хизматлари офислари филиалнинг икки қаноти гўё. Иккала БХО ҳам белгиланган фойда режасини 100 фоиздан ошириб бажармоқда.

4-бет

ЧИНАКАМ БАХТ ОИЛАДА

Урганч шаҳрининг Наврўз маҳалласида ибратли оила кўп. Улардан бири Мадирайим ота Жабборовлар оиласи.

5-бет

ҲАҚ СЎЗНИНГ СОҲИБАСИ


У болалигини шундай хотирлайди: “Отандан айрилганимизда уч фарзанд билан қолган онам уй бекаси эдилар, кейин рўзғор тебратиш учун ишга кирди, кундузи ишлаб, кечаси буюртма кўйлақлар, турли либослар тикар эди...”

6-бет

БОҒИШАМОЛ: МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ, ЯШИЛ ТАБИАТ...

Бобур юртига қизиқувчилар дунёнинг турли жойларида топилади. Унинг ҳавосидан нафас олмақ истагида бўлган сайёҳларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда.

8-бет



ТЕЗКОР ВА СИФАТЛИ ХИЗМАТ

Банк хизматида тезкорлик ва мижозлар учун қулайлик катта аҳамиятга эга. Тизимдаги янгиликларнинг энг чекка ҳудудларга етиб бориши мижозлар сонининг ортишига олиб келади. Шу маънода “Hamkorbank” АТБ томонидан мурожаат қилувчиларга қулайлик яратиш мақсадида замонавий, ихчам ва самарадор янги банк хизматлари офислари ташкил этилаётгани бежиз эмас.

БХОлар аҳолининг ҳар қандай талабига тўлиқ жавоб бериб, вақт ва маблағнинг ортиқча сарфланишига чек қўётгани билан аҳамиятли. Сабоби, биргина шу офиснинг ўзида банк томонидан таклиф этилаётган



барча хизматлардан фойдаланиши, яъни ҳисобрақам очишдан тортиб, кредит расмийлаштиришгача бўлган банк амалиётларини бажариш мумкин.

Навоий филиалига қарашли Гулистон банк хизматлари офисида юқоридагилар ўз ифодасини топмоқда. Натижада, мижозлар сони ортиб, белгиланган режалар ортиғи билан бажарилляпти.

Бекзод МУТАЛЛИБОВ.
Муаллиф олган суратлар.

Ўзбекистондаги нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида иш билан банд бўлмаган фуқароларни касаначилик йўналишида касбга ўқитиш тизими янада ривожлантирилади. Бу ҳақда жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланди.

ИШ БИЛАН БАНД БЎЛМАГАНЛАР...

Унга кўра, 2023 йил 1 январдан иш билан банд бўлмаган касаначилик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш ва бандлигини

таъминлаш бўйича нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида касбга ўқитиш янги тартиби жорий этилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги 2023 йил 1 январдан



бошлаб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида “Ишга марҳамат” мономарказлари ҳузурида ташкил этилган Малакаларни баҳолаш марказларида ўқув курсларини тугатган фуқароларнинг билим даражасини аниқлайди ва шу асосда уларга малака паспортларини беради.

КУН ҲИҚМАТИ:

Кўпинча бахт-саодат қидирамиз, ваҳоланки, у ёнгинамизда бўлади. Худди кўпинча кўзимизда турган кўзойнакни қидирганимиз каби.

Лев ТОЛСТОЙ.

Кейинги йилларда банк тизимида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Замонавий хизматлар орқали молия бозорида ўз ўрнини мустақамлаш, миқозлар учун ҳар томонлама қўлайлик яратиш бош мақсадга айланди. Тижорат банклари ўртасидаги ижобий рақобат ривожланишга хизмат қилмоқда.

БАНКЛАРДА ТРАНСФОРМАЦИЯ

Шу ўринда айтиш мумкинки, банк тизимида кузатилаётган трансформация жараёни соҳада янги даврга йўл очди. Бу қанчалик зарурат? Унинг афзаллиги нимада? Андижон машиносозлик институти доценти, иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори Нурулло ХАЛИЛОВ билан айтиш мавзуда суҳбатлашдик.



— Бугун иқтисодиётда ўзгаришлар шу қадар кўп-ки, айрим ҳолларда уларни тушуниб етиш ҳам қийин. Шу маънода трансформация ҳақида барча бирдек билади, деб айтиш қийин. Дастлаб шу хусусида тушунча берсангиз. Трансформация ўзи нима?

— “Трансформация” сўзи латин тилидан олинган бўлиб, ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгариш деган маънони англатади. Ҳозирги кунда иқтисодиётимизнинг барча соҳалари каби, банк тизимида ҳам трансформация жараёни амалга оширилмоқда. Соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш, давлат иштирокидаги банкларни хусусийлаштириш, банк ва миқоз ўртасидаги муносабатларни замонавий ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш орқали янада такомиллаштириш кенг ўрин эгаллаб улгурди. Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳам айтиш мақсадага қаратилган.

— Банкларда трансформациядан кутилаётган натижалар қандай?

— Аввало давлат улушининг қисқартирилиши банк тизимини ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Иккинчидан, давлат иштирокидаги банкларни хусусийлаштириш жараёни илғор рақамли технологик ечимлар ва банк ишининг илғор тажрибаси, шунингдек, етарли молиявий имкониятларга эга нуфузли ва сифатли акциядорларга йўл очиши лозим. Қолаверса, ислохотлар муваффақиятининг асосий шартларидан бири банкларни қисман эмас, тўлиқ хусусийлаштиришдир.

Замонавий тизимни шакллантириш, банкларнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш ва хизматларнинг янги стандартларини жорий этиш-

га қаратилган банк тизимида комплекс ўзгартаришларни амалга ошириш бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва халқаро рейтингларда Ўзбекистон банк тизимининг мавқеини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабаб бу вазифага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Тижорат банкларида бу қандай кечмоқда?

— Бизнес моделларни такомиллаштириш, банк секторини ривожлантириш концепцияси рақамли трансформациялаш билан чамбарчас амалга оширилади. Ҳозирда тижорат банкларида молиявий диагностика, истиқболли стратегияларни ишлаб чиқиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик бошланган. Банкларнинг кредит портфели ва лойиҳалар сифатини ошириш ишлари ҳам йўлга қўйилган. Айтиш мумкинки, бу борада дастлабки қадамлар қўйилди.

— Бугун рақамли банк хизмати янгилик эмас. Бу жараёни қандай баҳолайсиз?

— Тўғри. Бироқ, масалага айрим ҳолларда етарли эътибор қаратилмаётганидан кўз юмиш қийин. Масалан, “Онлайн банкинг” ва “Рақамли банкинг” атамалари кўпинча синоним сифатида ишлатилмоқда. Улар ўртасида сезиларли даражада фарқлар мавжуд. “Онлайн банкинг”да оддийроқ онлайн орқали хизматларни тушуниш мумкин. “Рақамли банкинг” барча банк хизматларини онлайн порталлар ва банк иловалари орқали тақдим этади. Шунда миқозлар пул ўтказишдан тортиб тўловларни тўлаш ва кредит карталарига ариза беришгача бўлган ҳамма ишларни қилишлари мумкин. Шунингдек, миқоз билан 24/7 кун давомида унинг молиявий эҳтиёжлари, истаклари, орзулари ва фикрларига ҳамроҳ бўлишдир.

— Масофавий банк хизмати ва унинг афзалликлари ҳақида ҳам тушунча берсангиз.

— Масофавий банк хизмат-

лари кўрсатиш турли банк операцияларини масофадан амалга ошириш имкониятини берадиган хизматлар комплекси. Бунинг учун банк муассасасига ташриф буюрмасдан туриб, компьютер ёки мобил телефондан фойдаланиш кифоя.

Масофавий технологиялар миқозга банк хизматларидан фойдаланишда максимал қўлайлик ва банк билан ишлаш

жараёнида вақт ҳамда молиявий харажатларни минималлаштириш имконини беради. Масофадан хизмат кўрсатиш тизимини миқозларга тақдим этилаётган хизматларнинг характерига кўра икки турга бўлиш мумкин: информация банкнинг миқозларга молиявий маълумотларни тақдим этишга йўналтирилган бўлса, транзакцион банкинг молиявий операцияларни амалга оширишга имконият яратади.

— Тижорат банкларининг бизнес фаолиятини автоматлаштириш ва рақамли технологияларни жорий этилиши қанчалик самара бермоқда?

— Рақамли технологияларнинг ҳаётимиздаги ўрни янги чўққиларга кўтарилди. Одамлар ҳар қачонгидан кўпроқ вақтини интернетда ўтказмоқда. Рақамли технологиялар кўплаб молиявий тўсиқларни бартараф этишга ёрдам берди, бу эса янги хизматлар ва миқозлар учун арзонроқ хизматлар кўрсатишга олиб келди. Телефон (t-banking), интернет (e-banking) ва мобил (m-banking) банкинг каби рақамли банк каналларининг пайдо бўлиши миқозларнинг хизматлардан фойдаланиш усулларини ўзгартириб юборди.

— Трансформация жараёнида банк ходимлари олди-га қўйиладиган талаблар ва тақдирларингиз қандай?

— Тегишли лойиҳаларни амалга ошириш ва замонавий ечимларни жорий этиш учун уларнинг малакасини ошириш зарур. Банклар ахборот хавфсизлиги, молиявий оқимларни тизимли таҳлил қилиш, ахборот тизимлари маъмурлари, муҳандислар ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш ишлари амалга оширилиши керак.

Бизнес жараёнларини такомиллаштириш зарур. Айни пайтда ташқи муҳит банк соҳасида қўлланиладиган дастурий таъминот, технологиялар ва жараёнларга алоҳида талабларни қўймоқда. Шундан келиб чиқиб, автоматлаштириш даражасини янада яхшилаш лозим. Бу талаб қилинадиган вақт ва харажатларни сезиларли даражада камайтиради ва миқозлар эҳтиёжини қондиришга бевосита таъсир қилади.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

А. НАСИРДИНОВ
суҳбатлашди.



Шри-Ланка президенти Готаба Ражапакса мамлакатни тарк этгани айтилмоқда.

ШРИ-ЛАНКА ПРЕЗИДЕНТИ МАМЛАКАТНИ ТАРК ЭТДИ

Манбаларга кўра, Ражапакса рафиқаси ва тансоқчиси билан мамлакатдан учиб кетган ва Малдив ороллари томон йўл олган.

Аввалроқ Шри-Ланкадаги намойишчилар Ражапакса қароргоҳини ўраб олиб, назоратни ўз қўлига олди ва оқибатда давлат раҳбари уни тарк этишга мажбур бўлди.

Евро ва доллар 2022 йилдан бери биринчи марта тенглашди. Европа марказий банки Европа валютасининг қулаши олдини олиш учун кредитлар бўйича фоиз ставкаларини оширишда давом этади.



20 ЙИЛ ИЧИДА БИРИНЧИ МАРТА ТЕНГЛАШДИ

Ягона Европа валютаси йил давомида аста-секин арзонлашди ва июнь ойда унинг нархи кескин тушиб кетди. Мутахассислар буни Украинадаги уруш оқибатлари ва «Шимолӣ оқим 1» газ қувурининг режалӣ техник хизмат кўрсатиш учун тўхтатилиши фонида Россия газининг ошиши билан боғлашмоқда.



Бир неча кунлик маслаҳатлашувлардан сўнг БМТ Хавфсизлик кенгаши 2023 йил январига-ча Туркия билан чегарадаги назорат-ўтказиш пунктӣ орқали Сурияга гуманитар ёрдам етказилишини давом эттиришга рухсат берди.

БМТ СУРИЯГА ГУМАНИТАР ЁРДАМ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАНДАТИНИ УЗАЙТИРДИ

Туркия билан чегарадаги Баб ал-Ҳава назорат пункти орқали Сурияга гуманитар ёрдам етказиб бериш механизми яна олти ой ишлайди. Норвегия ва Ирландия тақлиф қилган тегишли резолюция БМТ Хавфсизлик кенгаши томонидан бир неча кун давом этган маслаҳатлашувлардан сўнг қабул қилинди.

Twitter компанияси Tesla ва SpaceX асосчиларини томонлар томонидан тузилган шартномада кўрсатилганидек, уни 44 миллиард долларга сотиб олишга суд орқали мажбурламоқчи.



TWITTER КОМПАНИЯСИ ИЛОН МАСКНИ СУДГА БЕРДИ

Twitter компанияси америкалик бизнесмен Илон Маскни уни сотиб олмастик қарори туфайли судга берди. Энди суд Маскка сотиб олиш шартномасини бекор қилишга рухсат бериш ёки йўқлигини ҳал қилиши керак. Шартнома шартларига кўра, томонлардан бири ундан воз кечса, бир миллиард долларгача жарима кўзда тутилган. Компания суддан тўрт кунлик суд жараёнини сентябрь ойининг ўрталарига белгилашни сўрамоқда.

Конституция тинч, тўкин ҳаёт ва мамлакат тараққиётини белгилайдиган муҳим ҳужжат бўлиб, жамиятда муносиб турмуш кечиришнинг ҳуқуқий нормаларини акс эттиради. Бу нормаларнинг пишиқ-пухта, миллий қадриятларимизга мос ҳолда бўлиши юртга, ўз ҳаётига бефарқ бўлмаган фуқароларнинг фаоллигига бевосита боғлиқ.

“ДАВЛАТ ҚОНУНЛАР АСОСИДА ҚУРИЛМАС ЭКАН...”

Соҳибқирон бобомизнинг ўғити бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга молик

Мамлакатимизда умум-халқ муҳомадасига қўйилган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳаси бугун барчанинг эътиборида. Мазкур Қонун лойиҳасини халқимиз қизгин муҳомада этмоқда, маъқулламоқда. Бунда фуқароларимиз амалга оширилаётган ислохотлардан яхши хабардор эканини намоян этиб, ўзгартиш ва қўшимча киритишларни бераётгани кувонарли.

Конституцияга маълум даврлар оралмида, ислохотлар жараёнида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш дунё ҳамжамиятида кўп кузатилади. Бугунги кунда дунёда 500 дан ортиқ амалдаги Конституция бўлиб, улардан 200 га яқини мустақил давлатлар, 300 дан ортиғи федерациялар субъектларига тегишли. XX асрнинг охириги ўн йилли-

ги ва XXI асрнинг боши дунё юриспруденцияси тарихига жаҳон ҳамжамияти вакилларининг Конституциявий тузумида Конституциявий ислохотларнинг янги сифат босқичига чиқиши, Конституциявий дунёқарашда сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар даври сифатида киради. Хусусан, сўнгги 30 йил ичида дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатда конституциявий ислохотлар ўтказилди, 57 давлатда янги Конституция қабул қилинди.

Ҳозирда дунёда дастлабки тахрирдаги конституциялар деярли қолмаган. Энг қадимий ҳисобланган Конституцияларга ҳам АҚШда 27 та туб ўзгариш, Норвегияда 200 мартадан ортиқ, Нидерландияда 24 марта ўзгариш киритилганлигини кузатиш мумкин.

Минтақамиздаги яқин кўшни-қардошларимиз ҳам кейинги даврда ўз Конституцияларига бир неча марта ўзгариш ва қўшимчалар киритишни маъқул топиш-

ди. Марказий Осиё давлатлари ичида Қирғизистон энг кўп Конституция қабул қилган мамлакат саналади. Ҳозирги кунгача мазкур давлатда тўрт марта (1993, 2007, 2010, 2021) янги Конститу-


қилинганидан буён шу кунгача унга тўрт марта қўшимча ва ўзгаришлар киритилган. Охириги ўзгариш 2017 йил 10 мартда киритилган бўлиб, унда асосан президент ихтиёрида бўлган ваколатлар-

сига ҳозирги кунга қадар 14 марта ўзгариш, тузатиш ва қўшимчалар киритилган. Чунончи, 1993, 2003, 2007, 2008, 2011, 2014, 2017, 2018, 2019 йилларда қабул қилинган Қонунлар ҳамда 2002 йилда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра, ана шу жараён амалга оширилди.

Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси – Асосий қонунда мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш жамиятимиз аҳли интилаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади.

Асосий Қонунимизга киритиляётган янги ўзгариш ва қўшимчалар ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айлантириши шубҳасиз.

Ҳалимжон ТОҶИРОВ.



ция қабул қилинди. 1993 йилда қабул қилинганига кейинчалик 1996, 2003 ва 2006 йилларда ўзгариш ва қўшимчалар киритилган. 2007 йил 21 октябрда мамлакатда референдум йўли билан янги Конституция қабул қилинди, бироқ, бу қонун кўп ўтмай 2010 йилда янги Конституцияга алмаштирилди.

2010 йилги Қирғизистон конституцияси давлат бошқарувида парламент ролини оширган ҳолда президент ваколатларини чеклади.

Бу қонун 2021 йилгача амалда бўлди. 2021 йил 11 апрелда 114 моддадан иборат Қирғизистоннинг янги Конституцияси қабул қилинди. Мазкур Конституция билан президент ваколатлари қайта кенгайтирилиб, парламент ваколатлари чекланди.

Қозоғистоннинг амалдаги Конституцияси 1995 йил 30 августда қабул қилинган. Конституция қабул

ни парламент ва ҳукуматга ўтказиш билан боғлиқ ўзгаришлар кўзда тутилган.

1992 йил 18 майда қабул қилинган Туркменистоннинг амалдаги Конституциясига 2008-2016 йилларда ўзгаришлар киритилган. 2016 йилдаги ўзгаришлар президент сайловда ғалаба қозонишда давом этса, ўз лавозимида номаълум муддатга қолишига имкон беради.

Шу нуқтаи назардан Истиқлол туфайли республикамизда рўй берган демократик ўзгаришлар давомида мамлакатимиз Конституция-

Бугун матбаатчиликни янги – рақамли компьютерлашган технологияларсиз тасаввур қилиш қийин. Илгариги “Қўғошнинг технологияси”ни бугунги интернет тизими билан чамбарчас боғланган тезкор матбаа билан солиштириб бўлмайди.

Жараён шунчалик тезлашиб кетдики, кечагина катта муваффақият билан тахририятлардан тайёр босма файлларни босмаҳонага узатишда фойдаланиб келинган “флешка”, “локал сеть” тизимлари ҳам ортга чекина бошлади. Сетлардан фақат корхона ичида фойдаланилади. Эндиликда, чоп этишга рухсат этилган газета файллари санокли сониялар ичида дунёнинг исталган бурчагидан босмаҳона оператори компьютерига келиб тушмоқда. Унинг техник сифатлари босмаҳона талаблари асосида текширилиб, тезкорлик билан чоп этиляпти.

Мамлакатимиз матбаа соҳасида кучли рақобат пайдо бўлди. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ҳамон пешқадамлар сафида. Бу ерда 60 га яқин газета чоп этилади. Улар орасида 6300 дан ортиқ ададдаги “Hamkor press” газетаси ҳам бор. Қолип тайёрлашда Германиянинг “Obolon” STP ускунаси, чоп этишда эса Швейцариянинг “Solno”, Ҳиндистоннинг

“Orient Star” машиналаридан фойдаланиляпти.

— Бугунги бозор шароитида қоғоз, бўёқ, пластина ва бошқа матбаа материалларининг нархи кескин ошганлигига қарамай, тахририятлар билан йил бошида тузилган шартномаларда кўрсатилган нарх-наволарни оширмасликка ҳаракат қиляпмиз, — дейди нашриёт молия-иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи Жасур Раҳмонов.

“ШАРҚ”НИНГ ТАШРИФ ҚОҒОЗИ



шартнома имзолашди, — дейди цех бошлиғи Даврон Ҳамидов.

Газеталарни сифатли чоп этишда Марат Аҳмедов, Ҳикматило Сайдалиев, Фарҳод Мардонов, Султонбек Қаюмов, Миразиз Мухсинов, Ғайрат Абдураҳмонов, Елена Климова, Гаянэ Закарян, Оксана Резниченко, Тўлқин Тошматов ва Шеродил Саидовларнинг катта ҳиссаси бор. Уларни том маънода соҳанинг устунлари, “Шарқ”нинг ўзини эса матбаачилик мактаби, деб аташ мумкин.

Нарзулло ҲАМРОЕВ,
Тошкент.

Ўзим иқтисодчиман. Ҳозирда тадбиркорлик билан шуғулланыман. 2004 йилда "Servis sentr Akmal Mirzo" масъулияти чекланган жамиятимизни ташкил қилдик. Корхонамиз асосан чет давлатларга турли озиқ-овқат, мева-чева ва полиз маҳсулотларини олиб бориш хизматларини бажаради. Мустақкам ишонч барқарор кафолат эканлигини "Hamkorbank" АТБнинг Денов филиалига аъзо бўлгач, яна бир бор тушуниб етдим

РАҚОБАТ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРАДИ

Денов шаҳар марказидаги 80 сотихли майдонда автотураргоҳ ташкил қилганмиз. Фаолиятимизнинг илк йилларида ишимиз бироз юришмади. Бироқ, орта чекинмадик. Астойдил ишладик, изландик мақсадимиз сари интилдик. Ривожланишимизда отамнинг ҳиссалари катта. Касблари муҳандис бўлганлиги боис катта юк машиналаримизни доим таъмирлаб, автосозлигини назорат қилиб, маслаҳатларини бериб келдик.

Уша кезларда атиги 10 та юк машинамиз бор эди. Фаолиятимизни кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш ни мақсад қилардигу маблагимиз етмасди. Бирор банкдан молиявий кўмак олишни ният қилдик. Деновда жойлашган барча молия муассасаларининг хизмат турларини ўргандик. Яширмайман, "Hamkorbank" АТБнинг Денов филиалига икки-либ кириб бордик ва таваккал аъзо бўлдик. Биринчи бор 2012 йилда илк кредит маблагини олдик. Ишимиз жуда тез битди, ортиқча югур-югур, сарсонгарчилик бўлма-



ди. Россиядан 2 та "Камаз" сотиб олдик. Янги машина бариб янги экан, 3 йилга яқин техник носозлик бўлмади, яъни чиқими деярли йўқ.

Ҳисоб рақамимизни ҳам шу банкка кўчириб ўтдик. Ҳозирга қадар 28 марта олинган молиявий кўмак эвазига машиналар учун техник хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, техник ускуналар ва 10 тоннадан 24 тоннагача юк ташийдиган машиналарни сотиб олишга эришдик. Иқтисодий ривожланиш-турмуш фаровонлигимизни оширди. Айни вақтда 30 дан ошдиқ машинамиз бор. Россия, Грузия, Беларуссия, Туркия, Афғонистон, Тожикистон каби 10 дан ортиқ давлатларга қатнов йўлга қўйилди. Режамиз Европа давлатларига ҳам

чиқиш ва қўшимча иш ўринлари яратиш. Собир Назаров, Абдуҳалиқ Турдиев, Ғуломқодир Мусоев каби 40 нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш ҳам ютуқларимиздан.

Бугун Ўзбекистон банк тизимидаги янги-янги хизмат турлари жорий қилинганки, "Hamkorbank" АТБ ҳам бундан мустасно эмас. Қулай шароит, сифатли хизмат, хушмуомала ходимлар меҳнати самараси миждларининг кўплигида. Менимча Денов филиали ҳамкорларининг ишончини тўла оқлаб, иқтисодий алоқаларни янада мустақамлаш, барқарор ва кафолатланган фаолият кўламини кенгайтириш пайида бўлмоқда. Ва назаримда бунга эришди ҳам.

Бозор ва рақобат бири билан чамбарчас боғлиқ. Рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтиради, тартибга солади. Демак, биз рақобатли бозор синовидан ўтдик. Ўзимизни мавқемизга эга бўлдик. Бунда бизга кўмак берган "Hamkorbank" АТБнинг Денов филиали жамоасига ўз миннатдорчилигимизни билдираимиз.

Ҳайрулло ЖУМАЕВ,
"Servis sentr Akmal Mirzo" МЧЖ раҳбари.

Нукус филиалининг тиниб-тинчимас, ўз ишига масъулиятли ходими Абубакр Жолдасбеуовнинг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Қорақалпоқ дёғридаги ажайиб лойиҳалардан бири ҳақида хабар топдик. Яъни нукуслик тадбиркор Жанабай Мустафоев мамлакатдаги энг катта болалар ўйингоҳини барпо этиб, фойдаланишга топширди. Бу маскандан болажонларнинг қадами узилмайди. 600 ўринга мўлжалланган майдонча энг сўнгги замонавий дизайнда яратилган бўлиб, лойиҳа учун 22 миллиард сўм сарфланган.



НУКУСЛИК БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ


— Болаларни жуда яхши кўраман, уларнинг хурсанд бўлишини хоҳладим, ўзимнинг ҳам набираларим бор. Ёшим етмишга яқинлашди, биздан келажак авлодга нимадир қилиши керак-ку, — дейди "Гулайым" МЧЖ раҳбари Жанабай Мустафоев. — Бу борада "Hamkorbank" билан фикримиз бир жойдан чиқди. Болаларга қаратилган эзгу мақсадимизни қўллаб-қувватлаб, 605 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Бу маблагга Россиядан керакли технологияларни харид қилдик. Ишимиз тезда юришиб кетди. Бир неча ой ичида Нукус шаҳрида "Жунгли Ланд" номли болалар майдончаси барпо этилди. Очилиш кунининг ўзида юзлаб жажжи ўғил-қизлар ташриф буюрди. Очиғи, лойиҳамиз бунчалик истиқболли бўлишини кутман эдим. Ҳозирда одамлардан фақат раҳмат эшитяпман.

3 минг квадрат метрда жой-

лашган майдонча овқатланиш шохобчаларини ҳам ўз ичига олган. Замонавий аттракционларда яйраб-қувнаётган жажжи гўдакларнинг завқ-шавқини таърифлашга тил ожиз. Бундан илҳомланган ишбилармон яна бир йирик лойиҳа устида иш бошлади. У майдонча ёнида Италия технологиясига асосланган болалар ва катталарга мўлжалланган, ёзги ва қишки бассейн қурмоқчи.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш керакки, "Жунгли Ланд"нинг ишга тушиши 25 нафар фуқаронинг иш билан таъминланишига сабаб бўлди. Тобора гуллаб-яшнаб, ривожланиб бораётган Қорақалпоқ ўлкасига мана шундай осуда ҳаёт, бахтли болажонларнинг беғубор кулгуси ва қувончи ярашади. Жанабай оға каби юртпарвар тадбиркорлар кўпаяверсин.

Нигора МИРОЛИМ қизи.



БИРИ БИРИГА УСТОЗ

"Hamkorbank" АТБнинг Шаҳрисабз филиали шаҳар марказида, яъни аҳоли учун қулай жойда жойлашган. Бу мазкур муассасанинг қисқа вақт ичида молия бозорига ўз ўрнини топишида қўл келмоқда.

Айни вақтда Шаҳрисабз шаҳрида турли банкларнинг 8 та филиали ва 7 та банк хизматлари марказлари фаолият кўрсатяпти. Банклар капиталлашуви жараёнининг чуқурлашуви, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг юзага келаятганлиги ва кўрсатилаётган хизматлар кўламининг кенгайиб

бораётгани молия муассасаларининг бир ҳудуд доирасида ҳам ўз миждларини топишини чеклаб қўймайди. "Hamkorbank"нинг кенжа филиалларидан бири ҳисобланган Шаҳрисабз ана шу муассасалар қаторида — 2020 йилнинг октябридан бошлаб хизмат кўрсатиб келмоқда.

Муассасада 31 нафар ходим ишлайди. Уч юз элликка яқин юридик ва яқка тартибда фаолият олиб борувчи миждларга эга. "Шаҳрисабз фарм", "Кеш имкон давр", "Мирзохид Искандар" каби ўнлаб масъулияти чекланган жамият-

лари доимий ҳамкорига айланган.

Танлов асосида кадрларни ишга жалб қилиш асносида билимли, изланувчан, ташаббускор ва ташкилотчи ёшлардан иборат жамоа шаклланган. Нурбек Нуртоза-



ев ана шундай сифатларга эга. Миждлар билан тез тил топишади. Мурожат қилган ҳар бир одам билан хотиржам сўзлашади, аниқ тушунча беради. Бу ҳар бир банк ходимининг бурчи-ку, дейиш мумкин. Бироқ, билим, салоҳият, маданият билан суҳбатлашиш баробари-

да сабр муҳим. Бу борада ёшларга филиал раҳбари сифатида Салимжон Қудратов, Жавлонбек Эрбоев, Азизжон Жўраев сингари кўп йиллик малакага эга устозлар доим кўмақда. Жавлонбек Эрбоев тажрибали иқтисодчи. У банк кредитини ажратишда ўз услубига эга. Миждларни намунали, тўловларни вақтида амалга оширади. Азизжон

Жўраев шогирдлар тайёрлашда ўзига хос мактаб яратган. Бир сўз билан айтганда, жамоада барча бири-бирига устоз-шогирд

— Сифатли хизмат, астойдил меҳнат — юқори натижа. Жорий йилнинг 6 ойлик якунлари бўйича кредит қўйилмалари ўстириш режа-

си 8 миллиарддан 12 миллиард 529 миллион сўмга етди. Яъни режа 157 фоизга бажарилди. Биргина "Сбербанк онлайн" хизмат турлари бўйича белгиланган режани 964 фоизга, ипотека кредитларини 214 фоизга етказдик, — дейди филиал раҳбари.

Чироқчи ва Китоб банк хизматлари офислари филиалнинг икки қаноти гўё. Иккала БХО ҳам белгиланган фойда режасини 100 фоиздан ошириб бажармоқда. Ходимларнинг кайфияти, рағбати ҳам шунга яраша. Йил охирига қадар жамоа янада юқори чўққиларни забт этишни кўзламоқда.

Мухтасар айтганда, "Hamkorbank" АТБ томонидан амалга оширилаётган ислохотлар банк тизимининг барқарор ривожланишига, пировардида юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётгани билан аҳамиятли. Шаҳрисабз филиали жамоаси ана шу мақсадлар йўлида доим изланишда.

Н. ИБРОҲИМОВА.

Сарлавҳани ўқиб "ҳамма ҳам керакда", дейишингиз табиий. Аммо шундай одамлар ва касб эгалари борки, уларнинг ўрни ҳаётда ёхуд жамоа фаолиятида яққол сезилиб туради. Негаки бундай инсонлар ҳаммиша хизматга шай, энг қийин вазиятларда ҳам муаммоларга оқилона ечим топиб, таъбир жоиз бўлса, жамоа жонига оро қиради.

ЭНГ КЕРАКЛИ ОДАМЛАРДАН



Мухторжон Юсуповни "Hamkorbank" АТБ тизимида ишлаётган энг керакли одамлардан бири дейишади. Негаки зиммасидаги масъулиятли вазифа, йиллар давомида тўпланган катта тажриба, юксак малака уни шундай мақомга олиб чиққан. Дарҳақиқат, у йигирма йилдан бери ушбу банкда турли вазифаларда сидқидилдан меҳнат қилиб, касбини пухта билиши, ўз устида тинмай ишлаши ва изланиши билан аҳил ва катта жамоада ўз ўрнини топди, ҳурмат, эътибор қозонди. Бу кунларга етгунча ўзига хос ибратли умрни, самарали меҳнат фаолиятини ортида қолдирди.

Кўнгилдаги қизиқиш уни 1979 йилда Тошкент политехника институтини сари етак-

лаб келди. 1984 йилда мазкур олийгоҳни муваффақиятли тамомлаган ёш мутахассис даставвал ишни "Гранит" аталмиш Ўрта Осиё технологик монтаж бошқармасида ҳамда Андижон ахборот ҳисоблаш марказида муҳандис сифатида бошлади. 1992 йилнинг охирида уни Марказий банк Андижон вилояти бошқармасига муҳандис-дастурчи сифатида ишга тақлиф этишди.

2002 йилнинг май ойи да М.Юсуповни "Hamkorbank" АТБ компьютерлаштириш ва автоматлаштириш бўлими бошлиғи

лавозимига тайинланганда у бу борада деярли ўн йиллик тажрибага ва малакага эга мутахассисга айланганди. Мана шундан буён у ўзига қадрдон жамоада ишлаб келяпти. Бу орада унинг зиммасига юклан-

ган вазифалар бир-биридан масъулиятли ва залворли. Информацион технологиялар бўлими, тўлов маркази (СВИФТ) бошлиғи, техника таъминоти, мониторинг ва алоқа тизимини қўллаб-қувватлаш бўлими, техника таъминоти бўлими гуруҳ раҳбари ва ҳоказо...

Мана беш йилдан ошдики у информацион технологияларни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи сифатида фаолият олиб бормоқда. Касбига садоқати, ажойиб инсоний фазилатларини ҳамкасблари доимо қадрлашади.

Яқинда олтимиш ёшга қарши олган Мухторжон Юсуповни банк раҳбарияти, жамоадoshлари, сидқидилдан қутлашди, самимий тилаклар билдиришди. "Жамоамиз нуфузини оширишда қилган узок йиллик, самарали хизматларингиз учун раҳмат, сиздан миннатдоримиз. Сиз каби касбига фидойи инсонлар ҳаммиша бор бўлсин!" дейишди.

Ҳ. РАШИДОВ.

Суратда: М.Юсупов (ўртада) ҳамкасблари билан.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга алоҳида эътибор берилётган даврда яшаймиз. Шу боисдан жорий йилимиз бежиз "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилинмаган. Ибратли, сермазмун умри ва фидокорона меҳнати билан эл-юрт, жамоадoshлари ҳурматини қозонган замондошларимиз ҳақида ҳар қанча сўз айтсак, уларни эътироф этсак оз. Улар бунданда юксак эҳтиромга муносиб. Биз келгусида ҳам ана шундай инсонлар ҳақида газетамиз саҳифаларида ёритиб боришни мақсад қилганмиз. Бу борада сиз, азиз газетхонлар биз билан ҳамнафас ва ҳамкор бўласиз, деган умиддамиз.



қилгани сабаб банкирлар оиласи номига муносиб иш юритмоқдалар.

Оиладаги аҳиллик, бир-бирларига бўлган ҳурмат ҳавасингизни келтиради. Шогирдлар, маҳалладoshларнинг бу хонадондан қадами узилмайдиган. Кексалик гаштини сураётган устозлар ёшлардан маслаҳатларини аямайди. Айниқса, Ойибига опа тез-тез сеvimли жамоаси билан бўлмаса соғиниб қолади. Шогирдлари ҳам ҳурмат билан кутиб олади.

Урганча йўлингиз тушса, албатта, Мадирайим ота ва Ойибига оналар хонадониди бўлинг. Остонаси юмшоқ инсонлар. Сарамжон, ҳамма нарсаси ўз ўрнида, бахридилингиз яйрайди. Фарзандлари, набиралари ардоғида, эъзозидидаги икки меҳнат фахрийси ҳамон тетик ва бардам. Чинакам бахт асида мана шу.

Акбаржон НАЗАРОВ,
Андижон-Хоразм-Андижон.

Урганча ахрининг

Наврўз маҳалласида ибратли оилалар кўп. Улардан бири Мадирайим ота Жабборовлар оиласи. Ота-хоннинг Ойибига она билан турмуш қурганларига бу йил 42 йил тўлади. Шундан бери аҳил-иноқ яшаб келадилар. Уларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибати, ҳурмати каби одамийлик хислатлари фарзандларига ҳам ўтган. Бунга маҳалладoshлари ҳавас билан қарайдилар. Айниқса, ёш оилаларга ибрат мактаби сифатида кўрсатилади.

Уларни Хоразмда бан-

кирлар оиласи сифатида ҳам кўпчилик яхши танийди. Эл эъзозидидаги икки фахрийнинг тақдири ҳам банкда боғланган, десак муболаға бўлмайди. Оила бошлиғи 31 йил Марказий банкнинг Хоразм вилояти бошқармасида самарали меҳнат қилди. Ўз касбини севиши, билими ва тажрибалари асосида вилоятда банк тизимидаги ислохотларни амалга оширишда доим ташаббускор бўлди. Қийинчиликлар олдида ўзини йўқотмади, қайтанга изланди, ўрганди. Йиллар уни устоз даражасига олиб чиқди.

Ойибига онанинг ҳаёт йўли ҳам ибрат оларли. Тур-

муш ўртоғи билан бир касбда бўлгани унга қўл келди. 1992 йили банк тизимидаги фаолиятини бошлаганда энг яқин устози Мадирайим ота бўлди. Билмаганларини ўрганди, маслаҳат олди, ўз касбининг чинакам эгасига айланди.

Чинакам бахт оилада

— 2006 йили "Hamkorbank" АТБнинг Урганча филиалига ишга тақлиф қилишганда бир оз иккиланганим рост. Негаки, бу банкдаги талаб, тартиб ва унинг нуфузи ҳақида кўп эшитгандим. Шунда турмуш ўртоғим мени қўллаб-қувватлади, "уддалайсиз", дея ишонч билдирди. Адашмаган эканман, нафақага қадар ҳаётим шу банк билан боғланди. Жамоамиз жуда аҳил эди, бир-биримизни қўллаб-қувватлардик. Шундан бўлса керак, қийинчиликни билмадим. Биз учун тартиб биринчи ўринда бўлган. Ҳозир ҳам шогирдларим бунга амал қилаётганидан хурсандман.

Суҳбатдошларимиз



**Юлдуз Файзий исми кўп-
га яхши таниш. Адабиёт,
ижод аҳлининг катта авлоди
35 ёшида мангуликка риҳлат
қилган истеъдодли шоир Ра-
ван Файзининг қизи сифа-
тида билса, бугунги авлод
изланувчан, ўз сўзига эга,
бетакдор, меҳнаткаш
ижодкор сифатида
ҳурмат қилади.**



У болагини шун-
дай хотирлайди: “Отамдан
айрилганимизда уч фарзанд
билан қолган онам ўли бека-
си эдилар, кейин рўзгор
тебратиш учун ишга кир-
ди, кундузи ишлаб, кечаси
буюртмага қўйлақлар, тур-
ли либослар тикар эди. Ўша
вақтлари мен 7 ёшда эдим,
чақалоқлар қўйлақчала-
рининг энгларидидаги тўғри
чокларини, тугмаларини
тикиб, дазмол борардим.
Мактабга чиққунимга қадар
ҳисоб-китобни тўлиқ билма-
самда, уйимизнинг олдида
писта, қурт каби майда-чуй-
да нарсаларни, укам билан
Рамазон ойларида онам
тайёрлаган нишолдаларни
йўлакма-йўлак қўшнилarga
сотиб, пул топардик. 7-синф-
ни тамомлаган вақтим уч
ойлик таътилда мактаб-
гача таълим муассасаси-
да тарбиячиға ёрдамчи
бўлиб ишлаганман. Булар-
нинг ҳаммаси болалигим-
нинг ўчмас ва шу билан бир-
га, бир умрга сабоқ бўлган
хотиралари”.

Юлдуз Файзий юрагида
отасидан мерос оташ бор.
Бу оташ, бу олов уни ада-
биётнинг, ижоднинг, шеъри-
ятнинг жон томирига улади,
ота изидан юриб адабиёт-
нинг катта майдонига қадам
қўйди. Нияти падарининг
номини улуғлаш эди. Унинг
тоза кўнгли, гўзал орзула-
ри, оғир ва машаққатли йўли
ҳақ йўлига олиб чиқди.

Авалл Алишер Навоий
номидаги республика ихти-
сослаштирилган нафис
санъат лицейига ўқишга кир-
ди. “Келажак овози – 2007”
қўрик-танловида “Бадий

ҲАҚ СЎЗНИНГ СОҲИБАСИ

публицистика ва журналис-
тика” йўналишида ғолиб
бўлиб, олий ўқув юртига
грант асосида ўқишга кирди.

2008 йилда Зулфия номи-
даги Давлат мукофоти-
га сазовор бўлди. Шу йили
Юлдуз Файзий Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари уни-
верситетининг “Халқаро
журналистика” факульте-
ти бакалавр йўналиши-
га имтиёзли қабул қилинди.
Талабалик билан бирга Ўзбе-
кистон миллий телерадио-
компаниясининг “Тошкент”
телеканалида ҳам фаоли-
ят олиб борди ва “Маъри-
фат фидойилари” номли
туркум кўрсатувлари унинг
журналистикадаги умид-
ли қадамлари эди. “Кўнг-
лим” номидаги илк шеър
китобчасига Ўзбекистон
халқ шоири Ҳалима Худой-
бердиева сўзбоши ёзди.
Кейин шеър китоблари-
нинг сони ва салмоғи ошиб
борди.

Журналистика йўна-
лишида билимларини
муштақамлаш мақсадида
магистратурада давлат
гранти асосида ўқишни
давом эттириш билан бир-
га “Madaniyat va ma'rifot”
телеканалида биринчи тои-
фали муҳаррир лавозими-
да фаолиятини давом эттир-
ди. Унинг “Бир асар тарихи”,

“Кўнгил бекатлари” номли
дастлабки эфирлари ҳали
ҳам томошабинлар ёди-
да. “Бир асар тарихи” но-
ми кўрсатувда “Шум бола”
фильми ва унинг асари,
“Ёдгор” қиссаси ва филь-
ми, Навоий, Бобур каби
видеофильмлар, “Суюн-
чи”, “Абдуллажон” син-
гари қатор кинолар-
нинг яратилиш тарихи
ҳақида фақатгина

ки истак деб эмас, астойдил,
чин юракдан ҳаракат қилди.

Ёш бўлсада катта устозлар
эътибори ва эътирофига
сазovor бўлган Юлдуз ижо-
дида яна бир катта кўр-
сатув алоҳида ўринга эга.
“Уйга қайтиб...” дастури
уни том маънода томоша-
бин ва ижодкор ўртасидаги
меҳрни, эътиборни боғлади.
Юқори интеллектуал, про-
фессионал кадр, ҳар бир

нов билан кўхна Хоразмга,
Ўзбекистонда хизмат кўрсат-
ган артист Ғайбулла Ҳожиёв
билан Бухорога борган кун-
лари ва ўша кунлардан эсда-
лик бўлиб қолган, МТРК
архивидаги бебаҳо хазина-
га айланган “Уйга қайтиб...”
кўрсатув бугун орамиздан
кетган катта ижодкорлар-
дан ҳам бизга ёрқин хотира
бўлиб қолди.

2020 йилда ижодкор яна
бир поғона олдинга одим-
лади. Телеканал раҳбарияти
унинг меҳнатлари ва
изланишларини ҳисобга
олиб, катта муҳаррир лаво-
зимига фаолият олиб бори-
шига ишонч билдирди.
Юлдузнинг меҳнатлари ўз
бахосини олди. У “Йил-
нинг энг фаол журналисти”,
“Олтин қалам” каби миллий
мукофотлар соҳиби бўлди.

Юлдуз Файзийнинг ТВда-
ги ижоди, журналистик
фаолияти, изланувчанли-
ги, ўз устида ишлаши, ижод
завқи билан яшаши унинг
профессионал журналист
эканлигини амалда исбот-
лади. Йилдан-йилга фаоли-
ятидаги юксалишлар унинг
ўз “мен”ига эга ижодкор,
ўз ишини етук мутахасси-
си, журналистиканинг чин
ошиғи сифатида шакллан-
тирди.

Бугун Юлдуз журналис-
тика соҳасига қанча меҳру
эътибор сарфласа, оиласи
учун ҳам шундай жон қуйди-
ради. Умр йўлдош сифатида
турмуш ўртоғига ҳамфикр,
она сифатида икки қизнинг
тарбияси билан машғул,
аёл сифатида жамият-
да бир оиланинг келажаги
учун фидойи инсон, жамия-
т учун эса ўз “мен”ига эга
окила аёл. Шу билан бирга
у йиллар давомида онаси-
га елкадош, ҳамфикр бўлиб
фарзандлик мақомини
оқлаган, умр йўлларидан эрта
ёғлиқ қолган онасининг кўз
ёшларини арта олган, дард-
ларини аритган, орзуларига
йўл очган муносиб фарзанд
ҳамдир.

Феруза ОРИПОВА.



суҳбат эмас, балки 30-35
йил вақт ўтиб фильм олин-
ган жойларга орадан фильм
қаҳрамонлари билан бирга
бориб, хотираларни эслаш
томошабин учун жуда қизиқ
бўлган.

“Кўнгил бекатлари...” кўр-
сатуви ҳам ўз муҳлисларини
топди. Дастур ҳақида сўз кет-
ганида, “ҳа, автобусда олиб
бориладиган кўрсатув-а?”,
деб эслашади. Юлдуз Фай-
зий ижодда ўзига хослик-
ни, қадамларни такрорла-
масликни ва, албатта, ҳар
бир муаллифлик дастурида
ўз нафаси, дастхати бўлиши-
ни иштайди ва бунга шунча-

ишининг майда деталлари-
гача эътибор бериб, ташаб-
бус билан ишлади. Аёл киши
бўлишига қарамай, ишга
бўлган меҳри, муҳаббати
нуқтаи назаридан қишнинг
совуғи, ёзнинг жазирамаси
демай республикамизнинг
энг олис қишлоқларигача
халқимизнинг сеvimли
ижодкорлари билан бирга
кириб борди. “Уйга қайтиб...”
кўрсатувининг халқчил,
самимий чиқишида журна-
лист руҳияти, унинг феъл-
атвори ҳам экранга кўчган.
Атоқли шоир Азим Суюн
билан Накуртга, Ўзбекистон
халқ артисти Ортиқ Отажо-

Машхурлар ҳаётидан

БЎЛАДИГАН БОЛА БОШИДАН...

**Моцарт тўрт ёшида
клавишли чолғу асбоблари учун
концерт – мураккаб мусиқа аса-
ри ёзади.**

Бундай асарни маҳоратли ва
тажрибали санъаткорларгина
ижро этиши мумкин эди. Моцарт-
нинг меҳрибон отаси ҳали ёзиб
тугатилмаган ноталарга қараб
хайратга тушади:

– Ахир, бу куйларинг жуда
мураккаб-ку, уни ҳеч ким чала
олмайди!

– Қизиқмисиз, дада, – эътироз
билдиради Вольфганг. – Уни ҳатто
ёш болалар ҳам чала олади-ку.
Масалан, мен...

**Вольфганг етти ёшида
биринчи симфониясини, ўн икки
ёшида эса биринчи операси “Бас-
тён ва Бастёна”ни ёзади.**

АКАДЕМИКНИНГ ИСТАГИ

Болон академиясида йигир-
ма олти ёшга тўлмаган киши
академикликка қабул қилинмас
эди. Лекин Моцартдай фавқулодда
иқтидор эгаси учун истиснога йўл
қўйилади. У ўн тўрт ёшида Болон
академияси академиги бўлиб сай-
ланади.

Отаси уни қутлаган пайт дейди:
– Дада, мана академик ҳам бўл-
дим, энди ярим соат ўйнаб кели-
шимга рухсат берасизми?

КИМНИНГ КЎЗИ ЎТКИР?

Абу Али бир куни подшоҳ
ҳузурига кирса, ҳазрати олийлари
дурбинда узоқни кузатаётган экан.
Ибн Сино сўрабди:

— Подшоҳимга нима учун дур-
бин керак бўлиб қолди?

Подшоҳ унга тушунтирди:

— Бу дурбин орқали икки фар-
санг узоқликда кимлар келаётгани-
ни кўриш мумкин. (Икки фарсанг —
12 километр — М.М.)

Ибн Сино айтди:

— Тўрт фарсанг узоқликда ким
келаётганини мен дурбинсиз ҳам
кўра оламан.

Подшоҳ “Қани, айт-чи!” деб
сўради. Ибн Сино айтди:

— Икки фарсанг нарида бир

отлиқ келаётир. У киши ширин таом
еган экан?

Подшоҳ ажабланиб сўради:

— У киши ширин таом еганини
қардан билдинг?

Ибн Сино жавоб берди:

— Бу отлиқнинг ширин таом ега-
нини унинг оғзи атрофида ўралаш-
ган пашшалардан билдим.

У одам яқин келиб салом берга-
нида подшоҳ ундан сўради:

— Яқинда қандай таом еган
эдинг?

У киши жавоб берди:

— Ҳолва еган эдим, жаноби
олийлари.

Муҳаммад Ибн Сулаймоннинг
“Қиссат-л-уламо” асаридан.

Ибратли ҳикоя

Куннинг иссиқ дамларида кондиционер ёрдамида салқинлатилган хонада ўтириш, дам олишнинг гашти ўзгача. Аммо унинг фойдали томонлари билан бирга зарари ҳам бор.

КОНДИЦИОНЕРНИНГ

ФОЙДАСИНИ

БИЛАМИЗ,

ЗАРАРИНИ-ЧИ?

Кондиционернинг ўрта даражадаги салқин ҳаво оқими, дим ва жуда иссиқ ҳароратда гўдаклар ва ёши улғу кишиларга ижобий таъсир кўрсатади. Гап шундаки, уларда организмдаги совитиш тизими мукамал бўлмайди ва ҳароратга тез мослашиб олишга қийналади.

Кондиционердан фойдаланганда бирданига энг паст ҳароратга қўймаслик керак. Совуқ ҳаво оқимини зинҳор одамларга қаратмаслик лозим. Ҳеч ким шамоллаб қолмаслиги учун совуқ ҳаво оқими хонага бир текис тарқалишига аҳамият бериш керак.

Тиббиёт ходимларининг айтишича, кондиционер инсон танаси



бари жиддий ва анча узоқ даволаниш-ни талаб этади.

Бундан ташқари, тоза ҳаво бўлмасдан (дейлик, ичкарида, ёпиқ жойда) кондиционерни узоқ вақт ишлатишдан хонадаги ҳаво намлиги пасайиб кетади. Бундан эса тери ва шилимшиқ билан қопланган безлар зарар кўради. Ҳатто, аллергия ҳам пайдо қилиши мумкин. Шу боис ушбу агрегатнинг филтрларини вақти-вақти билан тозалаш зарур талаб этилади. Акс ҳолда кондиционернинг турли зарарли замбуруғлар, моғор, пўпанак ва бактериялар уясига айланади.

Фақир бир киши қишлоғидаги барча хонадонларнинг сигир-қўйларини тўллаб, яйловда боқиб беради. Бировга оғирлиги тушмас, ҳалол меҳнати билан рўзғорини тебратарди. Унинг аҳволини тушунадиган, қадрини биладиган, фаросатли, солиҳа ва оқила хотини бор эди. Шунинг учун чўпон қишлоқдаги энг бахтли одам саналарди. Қишлоқда ким хотинидан норози бўлса: "Бор, эрни қадрлашни чўпоннинг хотинидан ўрганиб кел", — дер эди.

ЧЎПОННИНГ ХОТИНИ НЕГА ИЛИҚ СУВ ИЧГАН?



Бир кун қишлоқ оқсоқолининг хотини эрининг жаҳлини чиқариб қўйди.

— Ҳой гапга тушунмайдиган бефаросат хотин, бориб қишлоғимиз чўпонининг хотинидан озгина бўлса ҳам ақл ўрган, ўша фақир хотиндан ибрат ол, эрни қандай қадрлашни билиб кел, — деди. Шунда оқсоқолнинг хотини:

— Ўша қашшоқ чўпоннинг хотинидан ниманиям ўрганардим, эри оддий чўпон бўлса, ўзида на хунар, на фазилат бор, — дея қаршилиқ кўрсатди.

Оқсоқол жаҳл билан ишига кетди. У кетганидан кейин хотин безовталаниб қолди. Ўрнидан туриб: "Ҳамма чўпоннинг хотинини мақтайди, бир кўриб келайчи", деб унинг уйига жўнади. Шу пайт чўпоннинг хотини ҳовлида, офтобда турган идишдан сув ичаётган экан. Оқсоқолнинг хотини ҳам чанқагани учун сув сўради:

— Сувингиздан менгаям беринг, йўл юриб чанқабман.

— Бу сув исиб қолган, сизга ичкаридан муздайини олиб чиқаман, — дебди аёл. Оқсоқолнинг хотини ҳайрон бўлиб:

— Майли, лекин ўзингиз нега исиб қолган сувдан ичмасиз? — деб сўради.

— Хоним, шу дамларда эрим далада жазирамада юрибди, куёшда қизиб кетган мешчасидаги сувдан ичаётгандир? Эрим у ёқда исиган сув ичсаю, мен бунда яхна сув ичсам, хотинлигим қаёқда қолди? — деб жавоб берди.



АЙРОН

Айрон ажойиб чанқоқбосди ичимлик ҳисобланади. Уни жазирама пайтларда ичиш орқали организм йўқотган суюқлик, минерал ва витаминлар ўрнини қоплаши мумкин. Унинг ёрдамида очликни ҳам енгиш мумкин.

Айрон овқат ҳазм қилиш тизимини, ичаклар микрофлорасини яхшилайдиган ва шу йўл билан иммунитетни кучайтиришга ёрдам беради. Айронни ҳуш кўрувчи инсонларда дисбактериоз камдан-кам учрайди, чунки уни мунтазам истеъмол қилиш ичаклардаги микроорганизмлар фаолиятини нормаллаштиради.

Айрон ўпкага кислород оқимини таъминлаш орқали нафас олиш тизими фаолиятини яхшилайдиган. Шу сабабдан у бронхит астма, пневмония ва бронхитдан азият чекаётган беморларга шифокорлар томонидан tavsiya этилади.

Туя ҳайвонот олами тарихида энг қадимий ҳайвон турларидан бирidir. Эволюциячилар назариясига кўра, туя ҳам динозаврлар билан бирга йўқ бўлиб кетиши керак эди, лекин ҳеч бир табиат ҳодисаси уни йўқ қилиб юборолмаган.

Фақат целлюлоза (чўл ва даштларда дағал ўт ва хашаклар, янтоқ, саксовул) билан озиқланиб, витаминларни ва ҳаёт учун керакли барча кимёвий моддаларнинг кўпини ишлаб чиқарувчи ва шу тариқа ҳаётини давом эттирувчи бирдан-бир ҳайвондир.

Бир неча минг йиллардан ҳозирга қадар одамзотга ташувчилик хизматини қилаётган ягона жонивор. Ўрта Осиё ҳудудидан бундан 100 йил аввал ҳам туялар почтаси мавжуд бўлган.


Ўз вазнининг ярмига тенг — 250-300 кг. юкни кўтара олади, вазнига нисбатан 10-12 фоиз оғирликдаги юкни тортиш кучига эга. Соатига ўртача 4 км. тезликда, кунига 35-40 км. масофани босиб ўтади. Агар устидан юки бўлмаса, тўхтовсиз 100 км. йўл боса олади.

Бир ичишда 200 литрга яқин сув ичади. Шўр сувни ҳам ичаверади. 100 литр сувни 10 дақиқада ичиб тугатади. Туя бир ҳафтагача емай, 34 кунгача сув ичмасдан юриши мумкин. Сув бор жойни 50-60 км. узоқликдан ҳис этади.

Туя сути — парҳез маҳсулот. Унда ёғ ва шакар миқдори сигирникидан анча кам ва сутэмизувчилар ичиди инсон сутига энг яқиндир.

Тана ҳарорати тунда, сахро сови-

ганда +34°C гача пасаяди. Кундузи 41°C даражагача кўтариледи. Шу боис теваарак-атрофдаги ҳаво ҳарорати



**ТУЯ
ЖАҚИДА**

ўзгарганда туя деярли терламайди ва сув йўқотилишининг олди олинади. Туя жуни куёшда 70-80°C гача қизисада, унинг тана ҳарорати 40 градусда бўлади.

Ўрқачида сув эмас, ёғ сақланади. Ўрқач туя учун озуқа захираси ҳисобланади. Туя ўрқачи қаттиқ озуқани ейишни бошлаганидан кейин пайдо бўлади, шунинг учун бўталоқларнинг ўрқачи бўлмайди.

Гавдасининг ерга тегиб турадиган қисмларида, кўкраги, тирсаги ва тиззасида қадокли тузилмалар бор. Шу

туфайли иссиқ (70°C гача қизиган) ерда ҳам ёта олади.

Кўзи фавқуллоҳда кўриш қобилиятига эга бўлиб, 3-4 км.дан тахдидларни аниқлай олади. Учта кўз қовоғи, икки қатор узун киприклар кўзга қум киришининг олдини олади. Қалин қошлар, зич ва қалин сочлар кўз ва бошни куёш нурларидан ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Туёқлари узун бўлиб, уларни кўмга бир текис тақсимлайди ва чўкиб кетмайди. Туя отлар каби олдинга ва орқагагина эмас, тўрт томондаги одам ё ҳайвонни тепа олади. Туёқларидаги эластиклик даражаси юқори.

Нафақат иссиқ ҳароратли минтақаларда, жуда паст ҳароратли жойларда ҳам яшай олади. Уларда қишда совуққа бардошли узун ва қалин ҳимоя жунари ўсади, ёз ойларида эса тўкилади.

Урғочитуяларнинг ҳомиладорлик даври 12 ойдан 14 ойгача. Туяларнинг эгиз туғиш ҳолати деярли кузатилмаган. Янги туғилган бўталоқнинг вазни 34 км.гача бўлади. У туғилгандан ярим соат ўтибоқ юришни бошлайди.

Дунёда энг қайсар жонивор. Агар у ётиб дам олишни хоҳласа, ўрнидан кўзгатиш жуда қийин. Жаҳлини чиқарсангиз, туфлаб ташлайди. Жуда аниқ туфлайди ва тупуги жуда сассиқ бўлади. Чунки у оддий сўлак эмас, нақ ошқозондан отилиб чиқади.

Денгиз ёки дарёда суза олади.

Саҳифани А.КАБИРОВ тайёрлади.

Макаю Мадина:
онлайн мулоқот

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЭКАНЛИГИМИЗДАН ЎУРУРЛАНДИК,

— дейди сафардаги
юртдошларимиз.

“Турмуш ўртоғим иккимиз 2013 йил Ҳаж зиёратини амалга ошириш учун навбатга ёзилган эдик. Орадан 9 йил ўтиб, Маккага бориш бахти насиб этди. Бу вақт орасида Аллоҳимдан жуда кўп бора сўрадим, намозларимда илтижо қилдим. Каъбанинг юзини кўриш истагида тунлари ташаххўд намозларини ўқиб қикдим”, дея ўз кечинмаларини баён қилди юртдошимиз Кўрғонтепа тумани, Тошлоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Руқияхон Юнусова. Айни пайтда у турмуш ўртоғи Неъматжон Юнусов билан Макка шаҳрида ҳаж ибодатини амалга оширмоқда. Биз бу инсонлар билан боғланиб, таассуротларига қизиқдик.

“Ота-онам, ака-укаларим, опам, яқинларим ҳаммаси ҳожилик мартабасига сазовор бўлган. Уларнинг орасида фақат мен навбатим келишини кутаётган эдим. Тақдир насиб шу йилга ёзилган экан. Макканинг жамолини кўриш бахтига эришдик. Бунинг учун Президентимиз, давлатимизга катта раҳмат”, - деди Неъматжон Юнусов.

“Бу ердаги кечинмаларимни сўз билан таърифлаб беролмайман. Ҳар бир мамлакатнинг ўз халқига, унинг этиқоидига ҳурматини шу ердаги ҳолатдан ҳам билиб олса бўлади. Макка жуда гўзал шаҳар. Бу ерга келиб, бутунлай бошқа оламга тушиб қоласиз. Каъбага яқинлашганда дунё дардлари унутилади. Инсон фақат Ҳақ жамолига етишиш орзусида бўлади. Атрофдаги манзара бетакрор ва ёқимли. Ҳаммаёқда қалбини поклаш истагида юрган инсонларни кўрасиз. Миллатининг, рангининг аҳамияти йўқ, барчаси битта этиқод, битта маслакда. Бизнинг мамлакатимиздан келган зиёратчиларга яратилган шароитдан кўнглингиз яйрайди. Меҳмонхона олдида кеча-кундуз Ўзбекистон белгиси туширилган автобус шай бўлиб туради. Қаерга борсак, манзилимизга етказди, қайтариб олиб келади.

Меҳмонхоналардаги шароитлар бекаму кўст. Ошхоналардаги таомларнинг маззасига, хилма-хиллигига эътироз бўлиши мумкин эмас. Биласизми, айрим давлатлардан келган зиёратчилар кўчаларда бошпанасиз ётиб, амаллаб ибодат қиляпти. Чунки уларнинг мамлакатига ҳажга борувчиларга бизнинг давлатимиз каби шароит яратиб берилмаган. Бизнинг зиёратчиларга бўлган эътибор, ҳурматни кўриб, Ўзбекистонлик эканлигимиздан ғурурландик. Юртдошларимизнинг Ўзбекистон байроғи белгиси қадалган либоси билан бутун дунёдан борган зиёратчилардан ажралиб туриши янада фахрлангирди. Аллоҳга бениҳоя шукрлар бўлсин, ҳожилик, ҳожиакбарлик мартабасига эришдик. Кўзимиздан ёшлар оқиб, юртимизни, элимизни дуо қилдик. Илоҳим барчага шу ерларга келиш бахти насиб этсин”, дея бизни ҳам қайта-қайта дуолар билан сийлади Руқияхон опа.

Нигора ТҮХТАМАНОВА.

Андижоннинг бой тарихга эга масканларидан бири Боғишамолдир. Табиатининг яшиллиги, ҳавосининг тозаллиги, кенг адирликлари билан ажралиб туради. Унинг гўзаллиги нафақат андижонликлар, балки бутун республика аҳолисини ҳам ўзига жалб қилиб келяпти. Табиий иқлими, бой тарихий мероси, ўзига хос удумлари, турмуш тарзига эга.



Таъкидлаш жойизки, йилнинг март-апрель ойларида бетакрор табиатига ҳамоҳанг турли меваларнинг гуллашидан завқланасиз. Бодом, ўрик, олма жуда кўп. Баланд адирликларга олиб борувчи йўлақлар четлари узра гулзор яратилгандай, гўё. Дам олиш истагида келган меҳмонлар учун соя-салқин жойларда сўрилган кўйилиб, ошхона ва емакхоналар хизмати йўлга қўйилган.

Бобур юртига қизиқувчилар дунёнинг турли жойларида топилади. Унинг ҳавосидан нафас олмоқ истагида бўлган сайёҳларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Боғишамолда буюк саркарда, давлат ва жамоат арбоби, шоир Захириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталувичи боғ қадимий ва замонавий кўринишда ташкил этилганки, кўриб кўзингиз қувонади. Кираверишда бобомиз ҳайкали нозик дид билан асалган. Унинг нигоҳларида илм-маърифатли, инсонийлик туйғуларини ўзида акс эттирган соғинч ва айрилиқни кўришингиз мумкин.

Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан ташкил қилинган музейда шоир ҳаёти ва ижоди билан танишасиз ва ноёб адабиёт дурдоналарини кўрасиз. Саркарда умрининг сўнгги йилларида яшаган даврига оид экспонатлар ва Ҳиндистон билан боғлиқ бой меросни кўздан кечирасиз.

Бинонинг кўринишини ўзи бир тарих. Нозик дид билан қўрилган ва нафис чизмалар ила битилган нақшлар моҳир ганчкорлик санъатининг нодир намуналаридир. У ерда шоирнинг рамзий қабри ўрин олган.

Маҳаллий аҳоли томонидан “пақирча” деб аталувичи симли йўлак сайр этсангиз,



БОҒИШАМОЛ:

ЯШИЛ ТАБИАТ, МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ...

Боғишамолнинг бутун гўзаллигини баланд адирликлар узра кузатишингиз мумкин.

— Андижонга анчадан буён келмагандим. Ўзгариб кетибди-жуда гўзал. Боғишамолни мақташганича бор экан. Ҳавоси тоза, мусаммо, одамлари меҳмондўст. Атрофни айландим, боғни кўрдим. Рост Тошкентнинг гавжум ва шовқинли ҳаётидан бироз чалғидим. Кейинги гал оила аъзоларимни ҳам олиб келишни ният қилдим, — дейди Нарзулло Ҳамроев.

Боғда кўплаб дам олиш объеклари қўрилган, кўкаламзорлаштириш учун ариқдан оқиб ўтувчи зилол сувнинг етмаган жойи йўқки, бу гўшани обод қилмаган бўлсин. “Анхор” дам олиш маскани ана шундай гўшалардан бири.

Ҳаёт гўё чархпалак, айланаверади-айланаверади. Замонлар ўзгариб, авлодлар янгиланаверади. “Анхор” даги чархпалак ҳам ҳаёт рамзига ўхшайди. Сувнинг шарқираши, чархнинг айланиши, қушларнинг сайраши тинч-осуда онларни ҳада этади. Айниқса, сувнинг овози. Оқшом пайтларда бироз салқин. Чархпалакни кузатиб ўтириб хаёлга чўмасан киши-бу жойларга қанчадан қанча одамлар келган...

Тадбиркор Фарҳоджон Луфтуллаев томонидан 2017 йилда ташкил қилинган мазкур дам олиш маскани бир вақтнинг ўзида 800 кишига хизмат кўрсата олади. Меҳмонлар хоҳишларига қараб даракларнинг соя-салқин жойларидаги миллий анъаналарга асосланган сўрилган ёки Европа стилига эга стол-стуллардан иборат жойларни танлашлари мумкин. Ўзбек миллий таом-



...Айниқса, сувнинг овози. Оқшом пайтларда бироз салқин. Чархпалакни кузатиб ўтириб хаёлга чўмасан киши...



ларининг маззаси оғзингизда қолади.

—Асосан ёз ойларида дам олувчилар кўп бўлади. Меҳмонларнинг хоҳиш ва истаklarига қараб таомлар тайёрланади. Турли тантаналар, учрашувлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш учун жуда қулай, — дейди тадбиркор.

“Анхор”да дам олувчилар учун барча шароитлар яратилган. Мароқли ҳордиқ, муздек бассейн ва яшил табиат, кўнгилаш ором берувчи сокин мусиқа. Тотли ва мазали таомлар, ширинликлар ҳамда салқин ичимликлар ҳаммаси ҳузурбахш.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатта олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor press" тахририяти компьютерида терилди ва сақфаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ЙЎЛДОШЕВА
Саҳифабур: А. КАБИРОВ
Манзилимиз: Андижон шаҳри, 105100, Бобур шоҳ кўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Г-749 Адади: 6360

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.



Сотувда келишилган нархда.